

# ШАРТНОМА № 17

Чусг ш.

«11» май 2022 йил

Биз шартнома тузувчилар, бир томондан МЧЖ Мамаджонов Раҳимжон номидан унинг раҳбари “NEXT SILVER” келгусида “Сотувчи” деб юритилади. Иккинчи томондан Чусг тумани 1-сон касб-хунар мактаби раҳбари Х.Джураев келгусида “Харидор” деб юритилади. Томонлар ўзаро келишиб ушбу шартномани қуйидаги мазмунда туздик:

## 1. Шартнома мазмуни

**1.1 “Сотувчи” “Харидор”нинг буюртмасига асосан шартномага илова қилинаётган маҳсулотларни, белгиланган нарх ва миқдорда сотиш, “Харидор” эса сотиб олиш мажбуриятини олади.** (илова қилинаётган рўйхат ҳар иккала томондан имзоланиб ва муҳр босилиб тасдиқланади)

**1.2 Шартномани умумий суммаси:** 95 973 810 (Тўқсон беш миллион тўқуз юз отмиш уч миң сакказ юз ун) сўм.

## 2. Маҳсулотлар учун тўловни амалга ошириш ва етказиб бериш тартиби.

**2.1 “Харидор” сотиб олинаётган маҳсулоти учун пул ўтказиш йўли билан ҳисоб китоб қилади.**

**2.2 “Харидор” шартнома томонлар иштирокида имзолангандан сўнг, маҳсулот учун олдиндан “Сотувчи”га 30% пул ўтказилади, маҳсулот қабул қилиб олгандан сўнг 7 (етти) иш кунида қолган 70 % пулни тўлаб беради.**

**2.3 “Сотувчи”га маҳсулот учун пул ўтказиб берилган кундан бошлаб, маҳсулот 5 (беш) кун мобайнида “Харидор”га ўзини ҳисобидан (кадокланган ҳолда) етказиб бериш мажбуриятини олади.**

**2.4 “Харидор” томонидан етказиб берилган маҳсулоти сифати бўйича норозилик талаби маҳсулот олинган кундан 15 (ўн беш) иш кунида “Сотувчи”ни манзилига ёзма тартибда хабар жўнатади ҳамда унинг манзилига маҳсулотни етказиб беради.**

## 3. Томонларнинг жавобгарлиги

### 3.1 Сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

**3.1.1** Маҳсулотларни ишлатиш, сервис хизматлари, сифат кафолат тўғрисидаги мавжуд маълумотлар билан таъминлайди.

**3.1.2** Томонлар ўзаро келишиб маҳсулотларни пулини 15 фозидан ҳам кам ҳолда келишилган миқдорда сотиши мумкин.

**3.1.3** **Сотувчи** томонидан етказиб берилган маҳсулотлар сифатсиз ёки яроқсиз бўлса ёхуд кафолат муддати даврида яроқсиз ҳолга келса, ўзини ҳисобидан “Харидор”га 3 (уч) кун ичида алмаштириб ва етказиб олиб бориб бериши шарт.

### 3.2 Харидорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

**3.2.1** Сотиб олинган маҳсулотлар кафолат муддати даврида бузилса, ишдан чиқса “Харидор” ҳисобидан маҳсулотни алмаштириб берилишлигини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**3.2.2** Маҳсулотларнинг кадокланиши, сифати, кафолати ва ишлатиш тўғрисидаги маълумотларни талаб қилиш ва маҳсулотни ишлатиб кўриб олиш;

**3.2.3** Маҳсулот пулларини 30 % тўланганидан сўнг 5(беш) иш куни мобайнидан бошлаб “Сотувчи”дан белгиланган маҳсулотларни етказиб берилишлигини талаб қилиш.

3.3 Шартнома шартини бажармаганлик учун муддатнинг ҳар бир банк (ёки иш) куни учун маҳсулотнинг 0.2% миқдорида, лекин шартнома баҳосининг умумий қийматидан 10% миқдорида жарима тўлайди.

#### 4. Шартномани амал қилиш муддати

Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва "31" декабрь 2022 йилга қадар амал қилади. Шартноманинг муддатининг тугаши томонларни ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

#### 5. Низоларни ҳал этиш тартиблари

Мазкур шартнома мажбуриятларини бажариш давомида юзага келадиган барча низолар ўзаро келишув орқали амалга оширилади. Бундай келишувга келинмаган тақдирда низолар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар бўйича Чуст туман Иқтисодий суди орқали ҳал этилади.

#### 6. Форс мажор ҳолатлари

Томонлар форс мажор ҳолати юзага келган тақдирда ўзига олган мажбуриятларини томонларни келишувига асосан бажаришдан тўлиқ ёки қисман озод қилиниши мумкин. Форс мажор ҳолати деб: шартнома имзолангандан сўнг қабул қилинган тегишли меъёрий ва бошқа ҳужжатлар, қонунга киритилган ўзгаришлар, турли табиий офатлар, ҳарбий ва комендантлик ҳолати пайитларида бажармасликлари мумкин.

#### 7. Қўшимча шартлар

7.1 Томонлар бирортаси ҳам шартномадаги ўз ҳуқуқи ва мажбуриятларини учинчи томон (шахс)га топшириши мумкин эмас.

7.2 Шартнома ҳар икки томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиши мумкин, шартнома бир томондан бекор қилиниши фақатгина амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда амалга оширилишига йўл қўйилади.

7.3 Шартномага киритилган барча қўшимча ва ўзгаришлар, улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва ҳар икки томондан тасдиқлангандан сўнггина кучга киради. Мазкур шартномага илова қилинган барча ҳужжатлар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

#### Томонларнинг юридик манзилгоҳи

“СОТУВЧИ”

“БУЮРТМАЧИ”

NEXT SILVER МЧЖ  
муш. ш. Фотимажон АРҲИ  
х/р: 20208000105394555001  
МҚД: 01160 Халқорбанк АТБ  
муш. ш. АНН 308524765

Раҳбар:



Чуст тумани 1-сон касб-хунара мактаби  
Чуст шаҳари Чустий кўчаси 35-уй  
ПХВ 100010860142377092904079001  
МФО 00014 СТИР 200110965  
Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазирлиги Ғазначилиги хккм марказий  
банк Тошкент МФО 00014  
х/р 23402000300100001010  
стир: 201122919

Раҳбар: \_\_\_\_\_ Х.Джураев

Шартнома қонун талабларига асосан  
тузилган А.А. У. Абдурахмонов.